# ШОКИРЖОН РАҲИМИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ

**Дилноза ХАКИМОВА**
Мустақил изланувчи
Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мақолада ўтган асрнинг бошларида фаолият кўрсатган жадидчилик ҳаракатининг вакилларидан бири Шокиржон Раҳимийнинг педагогик фаолияти ҳақида сўз юритилади. Архив материаллари асосида олимнинг педагогик фаолияти, яратган дарсликлари ҳақидаги маълумотлар берилди.

**Таянч сўзлар:** Шокиржон Раҳимий, жадидчилик ҳаракати, архив материаллари, педагогик фаолият.

# ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ШАКИРДЖАНА РАХИМИ

**Дилноза ХАКИМОВА**
независимый исслндователь
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

**Аннотация**

В статье речь идет о педагогической деятельности одного из представителей джадидского движения Шакирджана Рахими, действовшего в начале прошлого века. На основе архивных материалов предоставляются сведения о педагогической деятельности и учебниках ученого-просветителя.

**Ключевые слова:** Шакирджан Рахими, движение джадидтизма, архивные материалы, педагогическая деятельность.

Тарихнинг қай саҳифасини варақламайлик, унда устозлик ва унга бўлган ҳурмат-эътиборнинг гувоҳи бўлишимиз табиий. Чунки қадимдан ота-боболаримиз ва ушбу касб билан шуғулланувчи зотларга нисбатан ўзгача эҳтиром кўрсатишган. Ҳаттоки боболаримизнинг “Устоз отангдек улуғ‘“ деган ҳикматли сўзларини бот-бот такрорлаб келтириб ўтамиз.

Тарихимизнинг саҳифаларига “жадидлар” номи билан кириб келган ўз даврининг фидоийлари халқни илмли қилишни мақсад қилиб, мактаблар очиб, ўзларининг бор илмини, сармоясини тикиб педагогик фаолиятини олиб боришди. Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Элбек, Ашурали Зоҳирий сингари Шокиржон Раҳимий ҳам

ўзининг педагогик фаолиятини олиб борди ва ўзлари очган мактаблар учун дарсликлар ёзди.

Октябрь тўнтаришидан кейин эски миллий зиёлиларни ҳамда вояга етиб келаётган янги авлод вакилларини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолиятига жалб этишга мажбур қилиш авж олди. Совет ҳокимияти биринчи навбатда, маориф ва мактаб таълимини қўлга олишга катта эътибор берди. Бу борада Туркистонда дастлабки йилларида бир қанча жиддий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, халқ таълимининг анъанавий усулларини қисқартириш ва эски таълим тизимини йўқотиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш қаттиқ талаб қилинди:

- Содда, ҳаммага тушунарли бўлган араб графикаси асосидаги ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш, араб графикасидаги баъзи бир ҳарфларни қишлоқ ва шаҳар шеваларига мослаб соддалаштириш. Бу янги таълим тизимига хос услубиятнинг асосини ташкил этар эди;

- ўқувчиларга билим бериш учун янги талабларга мос келадиган дарслик ва қўлланмалар яратиш, катталар учун ҳам алифбо қўлланмаси тузиш;

- мактаб ёшидагилар ва катталар учун янги услубий қўлланмалар ва кўргазмали воситалар ишлаб чиқиш;

- қисқа муддатда малакали муаллимлар тайёрлаш;

- янги типдаги мактаблар қуриш [5].

Ушбу даврнинг кўплаб зиёлилари қатори маърифатпарвар, фидоий Шокиржон Раҳимий ҳам мазкур ишларга жалб қилинди. Уйғониш даврининг Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Зоҳирий, Қодирий, Элбек каби маърифатпарварлари сингари Шокиржон Раҳимий ҳам маърифий, педагогик, адабий-публицистик фаолияти билан ўзбек халқи, маданияти тарихида муносиб ўрин тутади.

XX асрнинг биринчи ярмида Тошкентда Собиржон, Шокиржон ва Ғафуржон Раҳимийлар сулоласи фаолият кўрсатган. Ушбу сулоланинг каттаси Собиржон Раҳимий бўлиб, у ташкил этган “Усули жадид” мактаби шаҳардаги энг илғор ва намунали мактаблардан бири ҳисобланган. Бироқ шу вақтда бирорта ҳам ўқитувчи тайёрлайдиган на олий ва на ўрта махсус билим юрти бор эди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Исъҳоқхон Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Абдуқодир Шакурий ва “Раҳимия” мактабларидан етишиб чиққан ҳамда ўқитувчиликка кўнгил қўйган Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Шокиржон Раҳимий, Исматулла Раҳматуллаев кабилар кетма-кет янги очилаётган “Усули жадид” мактабларида устозлари раҳбарлигида фаолият юрита бошлайди. Раҳимийлар сулоласининг иккинчи бўғинига мансуб Шокиржон ҳам  хат-саводини чиқаргач, мадрасада, усули жадид мактаби ва кечки рус-тузем мактабларида ўқиб, 1909-1919-йилларда “Раҳимия” мактабида ўқитувчилик қилади.

Раҳимий мактаб вазифасини фақат ўқиш ва ёзишни ўргатишдан иборат деб ҳисобламайди. Унинг бу қарашларини исботи сифатида қуйидаги фикрларидан англашимиз мумкин: “Мактаб болаларни фақатгина ўқитиб қолмай, уларнинг маънавий дунёсини ва жисмоний қувватини ривожлантириши, дунёқарашини миллий қадриятлар, тарихий анъаналар руҳида шакллантириши, ўз Ватанини юракдан севган фаол фуқароларни тарбиялаб етиштириши зарур” [3].

З.Башир Шокиржон Раҳимийнинг саводсизликни битириш мактаблари учун  тузилган “Катталарга йўлдош” (1924 йил) номли алифбо китобини атрофлича таҳлил қилар экан, унинг педагогик ва олимлик фаолияти алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидлайди: “Яқинда бўлган саводсизликни битириш қурултойида кўрилган аҳволга қарағанда, саводсизликни битиришга айни катта тўсиқ бўлган масалаларнинг бири ёзишга тайёрланган ўқитувчиларнинг озлиғи бўлса, иккинчиси катталарни ўқитиш учун тузилган дарсликларнинг йўқлиғидир. 2-3 йиллик тажриба очиқ кўрсатадиким, Туркистон ўлкасида сарф

қилинғон жуда кўп кучлар бу кунгача кўб қаноатланурлик натижа бера олмадилар. Саводсизлиқни битириш учун ишчи-деҳқон уюшмалари орасида очилғон жуда кўб мактаблар ва курслар 9-10 ой ва ҳатто бир йилдан ортиқ давом қилғонлари ҳолда тузуккина саводлиқ одамларни чиқара олмадилар. Бунинг асосий сабаблари юқорида кўрсатилди. Яхшиғина тажрибалик ва истеъдодлиқ ўқитғувчилар ҳам ўзларининг қуруқ куч сарф қилишлари билангина ортиқ натижа кўрсата олмадилар. Кейинги вақтда Туркистон саводсизлиқни битириш марказ комиссияси томонидан нашр қилинғон “Катталар йўлдоши” номли асар шул эҳтиёжимизни тўлдириши учун буюк бир ёрдамдир”[1].

“Нашри маориф” жамиятининг Тошкентдаги бўлими раиси сифатида фаолият юритган вақтида Шокиржон Раҳимий Боку ҳамда Германияга иқтидорли ёшларни ўқишга жўнатиш бўйича ташаббускорлардан бири бўлади.

Шокиржон Раҳимийнинг меҳнат дафтарчасини варақлаб кўриб шуни гувоҳи бўлишимиз мумкинки унинг асосий меҳнат фаолияти маориф, таълим соҳаларида бўлган. Масалан, 1918-1924 йиллар оралиғида Эски шаҳар ва Тошкент вилоят халқ маориф бўлимларида мудир, шу билан биргаликда, 1918-1922 йилларда биринчи босқич мактаблари, таълим ва тарбия билим юртларида ўқитувчи ва мудир лавозимларида фаолият юритган. Тошкентда биринчи бўлиб бевосита унинг ташаббуси билан очилган Аёллар Педагогика билим юртида, 1922 йилда Халқ таълими Республика қўмитасининг йўлланмасига мувофиқ, Тошкентдаги ишчилар факультетида директор лавозимида ҳам ишлаган (бу ўқув даргоҳи жуда кўп ёшларнинг олий ва малакали таълим олишига ёрдам бергани маълум), 1924 йилда Москвада ўзбек ёшлари учун ташкил этилган Бухоро маориф уйи ва ишчилар факультетида мудир бўлиб фаолият юритган. 1930 йилда Халқ таълими комиссариятининг йўлланмаси билан Москвага хизматга жўнатилади. У ерда маориф ва театр гуруҳининг раҳбари сифатида фаолият юритади.

Юқоридаги маълумотлардан шуни англаш мумкинки, Шокиржон Раҳимий фаолиятининг асоси маориф ва таълим соҳаси бўлган. У ҳаттоки ўзи Аёллар Педагогика билим юрти асосчиси сифатида ўша давр жамиятида аёлларнинг илмли бўлиши ва эркаклар сингари жамиятда ўз фаолиятини юритиш тарафдорларидан бўлган.

Шокиржон Раҳимий моҳир педагог сифатида ўша давр таълим тизимидан келиб чиқиб шундай хулосага келадики, ушбу давр мактабларига янги билимлар билан бойитилган ва ўқитиш учун қулай, тизимли дарсликлар лозим эканлиги ва ўзи бевосита ўша даврда мактаблар учун дарсликлар яратишда фаоллардан бўлади.

Бугунги кунда биз замонавий ва ривожланган бир даврда яшасакда, билим олишимизнинг асосий манбаи сифатида дарсликлар ҳисобланиб, хоҳ у китоб шаклида бўлсин, хоҳ электрон шаклдаги дарслик бўлсин илм олишимизнинг асосий негизи бўлиб келмоқда.

Таълим тизимининг бошланғич даври албатта “Алифбо” билан бошланади. Бу даврда ўқувчилар ҳарфларни таниб ўқишни, ёзишни ўрганиши ҳеч кимга сир эмас. Ўша давр тизимидаги алифбо ва ўқиш китоблари етишмас, борлари ҳам замон талабига жавоб бермас аҳволда эди. Ушбу даврда она тили ва адабиёт таълими ҳам ёмон аҳволда эди. Ўзбек тилининг қонун-қоидалари юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар яратилмаган, ўзбек тили граматикасига оид дарсликлар эса умуман йўқ эди. Шу сабабли давр матбуотида маориф соҳасидаги бу каби камчиликлар кўп марта танқид қилинган. Бу ҳақда адабиётшунос олим Абдураҳмон Саъдий: “Ўзбеклар ўртасида ўзбек тилининг қисқача бир сарф-наҳвини ёза олурлиқ бир илмий куч, бир педагуг ҳамон юзага чиқмасдан турадими?” деб ёзади ва ушбу даврда ўрта мактаблар учун ҳануз бир адабиёт мажмуаси (хрестоматия) яратилмаганлигини ҳам таассуф билан келтириб ўтади. Ўзбек халқи ана шундай оғир аҳволни бошидан кечираётган бир даврда ушбу маъсулиятли вазифани елкалаб майдонга жадид вакилларидан

иборат бир гуруҳ ёш ва навқирон олимлар кириб келади. Улар қаторида Шокиржон Раҳимий ҳам бор эди.

Ўша даврнинг таниқли тилшуносларидан бўлган Қаюм Рамазон ҳам қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Мактаблар учун ўзбекча дарсликлар қониқарсиз аҳволда эканлиги, хусусан, тил сабоқликлари ҳалигача яратилмаганлигини, бу ҳол маориф ишчиларининг бошида турган Республика ўзбек билим кенгашининг камчилиги эканлигини танқид қилади. Бу орада Фитрат, Шокиржон Раҳимийларнинг мактаблар учун дарсликлар ёзишаётгани ҳақида гап сўзлар тарқалди” [4].

1919-1936 йиллар оралиғида Шокиржон Раҳимий кўплаб дарсликлар яратади, бошланғич мактабларнинг барча синфлари учун тил-имлога қўлланмалар тузади. 20-йилларнинг ўрталарига келиб, мактабларнинг 1- ва 2-босқичлари учун бир қатор бошқа дарсликлар ҳам эълон қилинади. Уларнинг кўпчилиги русча дарсликлардан сўзма-сўз қилинган таржималар эди. Авлоний, Фитрат, Элбек, Шокиржон Раҳимий ва бошқа етук миллий зиёлилар бу ҳаракатнинг салбий жиҳатларини тез тушундилар ва янгидан ёзиладиган дарсликлар миллий руҳда бўлиши ҳамда халқнинг миллий онгини, маданиятини юксалтиришга, миллий тилни ривожлантиришга хизмат қилиши керак, деган фикрни илгари сурдилар.

Моҳир педагог 1926 йилда “Ўзбек ишчи-деҳқонларнинг календари” тақвимини ҳам тузди. У янгича таълимий асарлар яратиш жараёнида маърифатпарварлик ғояларини илгари суришга, миллий тилни юксалтиришга, миллий маданият ва дунёқарашни, қадимий анъаналарни сақлашга ҳар доим катта аҳамият берган эди. Бундай китобларнинг сони эса ўнтадан ортиқ. Боланинг миллий онгини уйғотиш ва уни миллий анъаналар руҳида тарбиялашни биринчи синфдан бошлаб амалга ошириш зарур деб ҳисоблаган Шокиржон Раҳимийнинг “Совға”лар такомил қиладир” мақоласида (“Аланга журнали, 1927 йил, 6-сон) шундай ёзади: “Болаларнинг онгида миллий руҳ алифбо орқали сингдирилиши керак”. Ўша давр болаларининг тайёргарлиги ва

тасаввурларини ҳисобга олган ҳолда у қишлоқ ва шаҳар болаларига алоҳида-алоҳида “Совға” (1919), “Алифбо дарслиги” (1922) каби алифбо дарсликларини яратди. Шунингдек, катталарнинг саводхонлигини оширишга қаратилган “Катталарга ўқиш” (1920), саводсиз катта кишилар учун 1924 йилда “Марказ саводсизликни битирув фавқулодда комиссияси” томонидан 15 минг дона босилган “Катталар йўлдоши” номли алифбосини тузади. “Катталар йўлдоши” икки йил ичида тузатилиб, тўрт дафъа нашрдан чиқади. Бундан ташқари, “Катталар алифбоси”(1927), “Савод” (1930), “Ўзбек тили. Иш китоби” (1932), “Ўзбек тили дарслиги, Грамматика ҳам имло” (1934), “Ўзбек маорифи” (1923) каби махсус дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам яратади. ”Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1928 йил 28 август сонидаги янги асарлар номли саҳифасида Раҳимийнинг “Жонли товушлар” номли яна бир янги алифбо китоби нашрдан чиққанлиги ҳақида эълон қилинади. Унга кўра Шокиржон Раҳимий муаллифлигида нашрга тайёрланган бу мўжаз китобча болалар учун мўлжалланган кичик ҳажмли китобча эканлиги ҳақида маълумот берилади. Аммо бу китобчанинг бугунгача етиб келганлиги ёки етиб келмаганлиги ҳақида ҳеч қаерда маълумот учрамайди. Унинг бу китоблари имлодан имлога ўтиш йилларида кенг халқ оммасига беминнат хизмат қилди.

Шокиржон Раҳимий “Ўзбек алифбоси” номли расмли алифбони ҳам яратди. Шокиржон Раҳимий томонидан ёзилган бу расмли алифбо “Давлат нашриёти” томонидан 1922 йилда фақат бир маротаба 25 минг дона босилди [6].

Шокиржон Раҳимийнинг “Ўзбек тили II (ишчи китоби)”, “Ўзбек тили дарслиги (грамматика ҳам имло)” номли китоби алоҳида қийматга эга ва у ўзбек тилшунослиги тарихида ўзбек тилининг фонетикаси сарф ва наҳвини изчил равишда тавсифловчи грамматик қўлланмадир. Шу икки дарсликдан бошқалари топилмаган бўлсада, уларнинг 1925-1930 йиллар ичида кўп марта нашр қилингани, бир неча йил давомида ўрта мактабларда дарслик сифатида қўлланилгани ҳақида маълумотлар етиб келган.

Шокиржон Раҳимий илмий мероси ҳали яхши ўрганилмаган бўлса-да, бугунги кунда Германиянинг машҳур кутубхоналаридан бирида сақланаётган В.Брелуф томонидан тузилган “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталарга ўқиш дарслиги” учун ўзбекча-русча луғат” номли 36 саҳифадан иборат бўлган китобнинг электрон нусхаси топилгани маълум бўлди. Бу луғат китоб 1925 йилда Москвада 3000 нусхада нашр этилган. Китобнинг “Муаллифдан” деб номланган кириш қисмида луғат ҳақида муаллифнинг ўзи шундай дейди: “Янги имло бўйича ёзилган бирон бир ўзбекча-русча луғатнинг йўқлиги европаликлар томонидан ўзбек тилини ўрганишни ниҳоятда қийинлаштиради. Маориф Халқ Комиссарлиги мактабларда ва турли муассаларнинг кўп сонли курсларида Шокиржон Раҳимийнинг “Катталарга йўлдош” номли ўзбек тили дарслиги қабул қилинди. Европаликлар томонидан номи тилга олинган дарслик бўйича ўзбек тилини ўрганишни енгиллаштириш мақсадида мен ушбу луғатни тузишни зиммамга олишга жазм қилдим”.

Сўзларни қидириш учун кетадиган вақтни тежаш мақсадида мен томонимдан алфавит усули эмас, матн мавзуси асосида сўзларни жойлаштириш қабул қилинди. Олдинги парагрифдаги матнларда мавжуд сўзларнинг кейинги парагрифда қўлланганлигини ёдда сақлаш қийин, шунинг учун луғатга алифбо тартибида ҳаволалар қолдирилади.

Шуни айтишни жоиз деб биламанки, китобда мавжуд бўлган орфография тўғри ва аниқлиги билан дарслик ва луғатлардаги сўз ва гапларнинг шакли билан бир хил. Фақат шархлар ёки изоҳлар турлича бўлиши мумкин. Агар луғатга битта изоҳни киритсак ва ушбу изоҳ энг охирги қонун-қоидаларга мувофиқ бўлса, шу аниқ бўладики, луғатдаги битта сўз асосий фақат изоҳлар турлича бўлиши мумкин” [2].

Бу китобнинг 3000 нусхада нашр қилиниши ўз даврининг нақадар керакли ва зарур тил ўргатувчи китоби ҳисобланганлигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Шокиржон Раҳимий қисқа умр кечирган бўлса-да, унинг тилимиз ривожи, таълим, маориф соҳасидаги ишлари юксак ва

умрбоқийдир. Моҳир педагог сифатида нафақат ёшларга таълим берди, балки ўша давр таълими учун зарур бўлган янги дарсликлар яратди, театр ва нашриётда ҳам ўз фаолиятини олиб борди, ўзбек тилининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг ушбу қилган ишлари серқирра инсон эканлигидан далолатдир.

Ўзининг бой тарихига эга ватанимиз ривожидаги Шокиржон Раҳимий сингари марифатпарвар, фидоий аждодларимиз илмий меросини ўрганиш ва келажак авлодга етказиб бериш биз бугунги ёшлар олдида турган маъсулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Башир З. Катталарга йўлдош: (Шокиржон Раҳимийнинг саводсизликни битириш мактаблари учун тузилган “Катталар йўлдоши” номли алифбо китоби тўғрисида) //Туркистон, 1924, 23 июл.
2. Брелуф В. Узбекско-русский словарь по учебнику “Чтению для взрослых” Шакиржана Рахимий. – Москва: Наука 1925. – 36 с.
3. Раҳимий, Шокиржон. Тил ва имломиз // Иштирокиюн, 1920 йил, 30 ноябр.
4. Рамазон, Қаюм. Мактабларимиз ва ўзбекча дарслик // Туркистон, 1923. – №210.
5. Собирова Н. Маърифат қалдирғочларидан бири // Жаҳон адабиёти, 2008. – №11.
6. Ҳожи Муин. Ўзбекча алифболар тарихи // Маориф ва ўқитғувчи, 1926. – №2.